



Савол:

Биз хозир Кореядамиз. Талаба сифатида келганмиз. Ишлаш ҳам керак пул топиш учун.

Бу ерда мактабларга кириш мумкин инглиз тили ўқитувчиси сифатида агар америкаликман ёки инглиз, австралиалик ва бошка инглиз тили она тили бўлган давлатданман десангиз.

Шу пайтда уларни алдаб ишга кирса бўладими яъни «Мен ҳам америкаликман» ёки «Ўзим Ўзбекистонданману лекин Америкада ўкиб келганман деса»

Баъзи пайтларда эса ҳамма хакикатни айтиб кирган бўлсангиз ҳам Ишга олувчилар рози бўлишади аммо «Болаларга эса мен америкаданман ёки инглиз ва хоказо давлатданман дейсиз» дейишади. Яъни болаларга хакикатни айтиш керак эмас.

Аммо инглиз тилини хакикатдан ўргата оласиз. Пулни ҳам инглиз тилини ўргатиш учун оласиз. Факат ишга кириш учун алдаш керак бўлади. Аммо биз ўзимизга кулай килиб олишга харакат ҳам килаётгандирмиз. Шунинг учун Исломнинг бунга хукми кандай?

Жавоб:

Ислом ёлгончиликни каттик коралайди. Шундай бўлсада одам хаккини ундириб олиш учун бошка йўл топа олмаса зарурат учун ёлгон гапирса бўлади. Душмандан кутулуш учун ҳам мумкин. Агар ўша инсон хакикатда талабга яраша инглиз тилини ўргата олса, бу гапни айтиши ин ша Аллох у учун жоиз. Билмаган одам ёлгон гапирса



иккита гуноҳ қилган бўлади. Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Ростгўйлик жаннатга, ёлгончилик жаҳаннамга йўллайди” — деб айтган сўзларини ҳамиша ёдингларда сақланглар. (Саҳих ҳадис).